

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Рахбархон Муртазаева OLIY TA'LIMNI GUMANIZATSIYA VA GUMANITARIZATSIYALASH: "OLTIN O'RTALIQ"NI IZLASH.....	4
2. Oygul Alshykenova QOZOG'ISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMNINING SHAKLLANISH VA RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI: TARIX VA FAKTLAR.....	11
3. Aziza Aminova QUYI ZARAFSHON VOHASI IQTISODIY TARAQQIYOTINING O'RGANISH XUSUSIYATLARI.....	18
4. Бехзод Исабеков ТУНКАТ-ИМЛОҚ КЎХНА ШАХАР ХАРОБАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	25
5. Jasurbek Karimjonov MUSTAQIL O'ZBEKISTONDA YOSHLARNI MUKOFOTLASH TIZIMINING SHAKLLANISHI.....	30
6. Қодиржон Нажмиддинов НАМАНГАН ШАХРИДАГИ ВИЛОЯТ ШИФОХОНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	35
7. Нихола Нарзуллаева МУЛЛО САЙИД АХРОР МАҲДУМНИНГ ЎЛЧОВГА ОИД РИСОЛАСИ.....	41
8. Умирилло Ортиқов ЕТТИСУВ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ТУРМУШИ.....	45
9. Jurabek Polvonov МАНАЛЛИЙ ТАРИХЧИЛАР АСАРЛАРИ ВА КУНДАЛИКЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИДА НАРБИЙ БОШҚАРУВ ВА МУДОФАА ТИЗИМИ.....	51
10. Abdilatip Sarimsokov FARG'ONA VODIYSI O'ZBEKLARINING KUZ FASLIDA O'TKAZILGAN TAQVIMIY URF-ODAT VA MAROSIMLARI.....	59
11. Mahfuzaxon Shamsiyeva MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN O'ZARO HAMKORLIKNING YANGI BOSQICHI.....	65
12. Saida Hakimova RUS TADQIQOTCHILARI TOMONIDAN OROL DENGIZINING O'RGANILISHI (L.BERG EKSPEDITSIYASI MISOLIDA).....	70



Бехзод Исабеков Имомали ўғли,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Миллий археология маркази катта илмий ходими

ТУНКАТ-ИМЛОҚ КЎХНА ШАҲАР ХАРОБАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Behzod I.Isabekov. SOME COMMENTS ABOUT THE RUINS OF TUNKAT-IMLAQ OLD CITY. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 11, pp.25-29

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10157287>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Тошкент воҳасининг қадимги ёдгорликларидан бири Тункат ҳақида маълумотлар берилган. Тункат илмий манбаларда Илоқ давлатининг пойтахт шаҳри сифатида талқин этиб келинади. Бу фикрларни М.Е. Массон, Ю.Ф. Буряков ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий тадқиқот ва изланишлари орқали тасдиқлаган. А. Аскарлов ва унинг шогирдлари юқоридаги фикрларга қўшилмаган ҳолда Тункатда пойтахтга хос белгилар учрамаслигини, бу шаҳар металлургиялар шаҳри эканлиги, Илоқнинг пойтахти бошқа шаҳар бўлганлиги ҳақида ўз қарашларини ифодалаган.

Калит сўзлар: Тункат, Илоқ, Имлоқ, кўхандиз, рабат, Арк, шахристон, Маъдинат аш-Шош, Сомонийлар.

Бехзод Исабеков Имомали ўғли,
доктор философии по историческим наукам (PhD),
старший научный сотрудник
Национального археологического центра

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ГОРОДСКИХ РУИНАХ ТУНКАТ-ИМЛАКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о Тункате, одном из древних памятников Ташкентской области. В научных источниках М.Е. Массона, Ю.Ф.Бурякова и многие другие учёных Тункат интерпретируется как столица государства Илака. Эти мысли подтвердили своими научными исследованиями и изысканиями. Хотя А.Аскарлов и его ученики не согласились с приведенными выше мнениями, они высказали мнение, что в Тункате нет типичных признаков для столицы, что этот город — город металлургов, а столица Илока — другой город. О чем свидетельствует статья.

Ключевые слова: Ключевые слова: Тункат, Илак, Имлак, Кохандиз, Рабат, Арк, Шахристан, Мадан аль-Шаш, саманиды.

Behzod I. Isabekov,
Doctor of Philosophy in History (PhD),
Senior researcher of the National Archaeological Center

SOME COMMENTS ABOUT THE RUINS OF TUNKAT-IMLAQ OLD CITY

ABSTRACT

This article provides information about Tunkat, one of the ancient monuments of the Tashkent region. Tunkat is interpreted in scientific sources as the capital city of Ilaq state. These thoughts were confirmed by M.E.Masson, Yu.F. Buryakov and many other scientists' works and scientific research. A.Askarov and his students, disagreeing with the above opinions, expressed their views that Tunkat does not have signs typical of the capital, that this city is a city of metallurgists, that Ilok's capital was another city.

Index Terms: Tunkat, Ilaq, Imlaq, kohandiz, rabat, Ark, Shahrison, Ma'dinat al-Shosh, Samanids.

1. Долзарблиги:

Тункат Оҳангарон водийсининг қадимги ва ўрта асрларда маъдан ишлаб чиқариш тармоқлари юксак даражада ривожланган иқтисодий-хўжалик, саноат маркази ҳисобланган. Тункат тоғ саноати, яъни қора ва рангли металл хомашёси ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказий шахридир. Тункат ёдгорлигини археологик жиҳатдан батафсил ўрганиш, тарихимизнинг кўплаб ёпиқ қирраларини очиб беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

У ўрта аср ёзма манбаларида Имлоқ деб аталган. Имлоқ ҳақида археологик материаллар асосидаги дастлабки маълумотни XIX аср охирида М.С. Андреев беради.[1] Ёдгорлик харобалари ҳақида 1926 йилда С.Ф. Мошковцев эслаб ўтади.[2] 1928 йили П.Т. Князев ёдгорлик тепасида тўпланган тошқоллар уюмини кузатиб, бу жой металлурглр шахри бўлган, деган хулосага келади. 1929 йилда объект билан М.Е. Массон танишиб, 1934 йилда В.Д. Жуков билан биргаликда унинг тарихий топографияси тавсифини беради [3], топограф К.И. Лехнович эса ёдгорлик тархини тузади.

1959-1961 йилларда Ю.Ф. Буряков ёдгорликнинг бир неча жойида катта-кичик ҳажмдаги археологик изланишлар олиб боради.[4] Шу уч йиллик изланишлар даврида асосий эътиборини ёдгорлик стратиграфиясига, унинг тарихий топографиясига, муҳофаа тизими ва турар-жой массивларини ўрганишга қаратди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ю.Ф. Буряков хулосасига кўра, Тункатнинг шимоли-ғарбий бурчагида 5 гектарли кўҳандиз (Арк) жойлашган. Ундан шарқда VI-VII асрларда атрофи муҳофаа деворлари билан ўраб олинган 12,5 гектарли Шахристон фаолият кўрсатган [5] ва унинг жанубий ва шарқий томонларини 30 гектардан кам бўлмаган рабат ўраб олган [6]. Ю.Ф. Буряков ўз хулосаларини давом эттириб, айнан шу асрларда Аркнинг 100 м². дан кам бўлмаган платформаси устида монументал меъморий мажмуалар мавжуд бўлган. Шахристон ичида эса металлурглрнинг хунармандчилик устахоналари бўлиб, IX-X асрларда шаҳар майдони кенгайиб борган, унинг шахристон майдони 17,5 гектарга, шаҳарнинг умумий майдони эса (Арк, шахристон ва рабат) 180 гектарга етади,[7] деган хулосаларга келади.

Ю.Ф. Буряковнинг таъкидлашича, кўҳандиз кейинги 20 йил давомида замонавий қурилишларнинг олиб борилиши оқибатида бузилиб кетган. Бузилган ушбу кўҳандизнинг шарқий қисмида олиб борилган 3-қазилма натижасида, 280 м². майдон очилган. Экспедиция илмий раҳбари М.Е. Массоннинг тахмин қилишича, бу жой кўҳандизнинг таркибий қисми бўлиб, унинг майдонида ҳукмдор саройи жойлашган [8] дейилган. Афсуски, бу жойдан Арки аълони эслатувчи бирор белги топилмаган.

Тункат тарихий топографиясини синчковлик билан ўрганиш натижасида маълум бўлдики, руда эритиш кўралари Ю.Ф. Буряков таъкидлаганидек, шаҳарнинг “рабат” деб

аталган қисмидагина эмас, балки унинг барча ҳудудлари учун характерлидир. Айниқса, бундай манзара Тункатнинг шимоли-шарқий участкасида тошқоллар уюми баланд тепаликларга айланиб кетган жойида яхши кузатилади. А. Асқаров ва унинг шогирдлари археологик қазилмалар олиб бориш натижасида бу жойлар Тункатнинг мулкдор деҳқонларига тегишли даҳалар бўлган, деб хулосага келади.[9]

Оҳангарон водийсининг қадимги металлургия маркази Тункат шаҳри ҳақида илмий адабиётлардаги материаллар ва илмий хулосаларга аниқликлар киритиш, яъни унинг тарихий топографияси ва шаҳар ҳаётининг ишлаб чиқариш характерини ўрганиш мақсадида кўшимча археологик изланишлар олиб борилди. Айниқса, М.Е. Массон ва Ю.Ф. Буряковларнинг Тункат ҳақидаги маълумотларига баъзи бир аниқликлар киритиш эҳтиёжи туғилди. 2012-2023 йилларда А. Асқаров, Б. Исабековлар тамонидан Тункат ва Суюрлитепа ёдгорликларида бир қатор археологик қазилмалар ўтказилди. Шу боис, Оҳангарон водийсининг ҳар бир археологик объекти билан танишиб чиқилди.

Тункат тарихий манбаларда Тункат VIII асрда “Маъдан аш-Шош” зарбхонаси ташкил топгани, унда соф олтин ва қумушдан зарб этилган диноҳ ва дирҳамлар IX-XII асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ ҳамда Ғарб мамлакатларига товар сифатида кириб борганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Ҳатто у мамлакатларда Илоқ қумуш тангалари хазиналари топишган. X асрда Сомонийлар давлатининг зарбхоналари фақат Самарқанд ва Илоқнинг Тункат шаҳрида фаолият олиб борган.

Тункат илмий адабиётларда қадимги металлургиялар шаҳри, шунингдек, Оҳангарон водийсининг пойтахт шаҳри сифатида талқин этилиб келинади. Бунга М.Е. Массон ва Ю.Ф. Буряков маълумотлари асос бўлган. Ю.Ф. Буряковнинг “Тункат дастлаб қишлоқ сифатида милодий IV-V асрларда таркиб топган, милоднинг ўрталаридан у металлургиялар шаҳрига айланади”, деган маълумотларининг тўғрилигига шак-шубҳа йўқ. Аммо унинг “VI-VII асрларда шаҳарнинг мудофаалашган қисми 17,5 гектарлик майдонни ташкил этади. Айнан шу асрларда Тункатда кўхандиз бўлган, кўхандиз майдонида 100 м².дан кам бўлмаган платформа устида монументал меъморий мажмуалар қад кўтаради”, [10] деган иборалари кўшимча маълумотларни талаб этади.

4.Хулосалар:

Тункат ўз тарихий топографиясига кўра, асрлар давомида юзлаб мулкдор деҳқонлар[11] мулки, бир шаҳар ҳудудий доирасида жамланган бадавлат деҳқонлар кўрғонлари тизимидан иборат. Тункат Илоқ давлатининг рангли ва қора металл хомашёлари ишлаб чиқариш маркази, металлургиялар шаҳридир.

Тункат топографиясига диққат билан назар ташланса, қуйидаги манзара яққол кўзга ташланади: Ҳар бир мулкдор деҳқон мулки алоҳида металл ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш кўрғони, бир вақтни ўзида савдо қарвонсаройидан иборат. Уларнинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Қарвонсаройга кириш дарвозаси мудофаа чизигининг шарқий ёки жанубий деворини кесиб ўтган. Мудофаа девори бўйлаб ҳар хил катта-кичикликдаги тепаликлар бўлиб, улар орасида биттаси катта ва кенлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Тепаликларнинг энг йиригида мулкдор деҳқон қасри жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Қолганларида эса омборхона ва мусофирхоналар, дўконлар, меҳнат ва ҳарбий ҳамда турли хўжалик асбоб-усканаларини ишлаб чиқариш устаконалари жойлашган бўлиши мумкин. Қарвонсарой ички майдонининг бир қисми текис пастлик-қарвон ҳайвонлари учун жой бўлиб, унинг қолган қисмида қандайдир қурилма қолдиқлари – пастқам дўнгликлар ҳосил бўлган. Бундай топографик манзара Тункатда кузатишган барча деҳқон кўрғонлари, яъни ҳар бир савдо қарвонсаройлари учун характерлидир (расм-1).

Юқорида баён этилган маълумотлар Тункат шаҳри Илоқ давлатининг нафақат сомонийлар ва қорахонийлар даврида, ҳатто илк ўрта асрларда ҳам пойтахт шаҳри бўлмаган, балки металлургия ишлаб чиқариш ҳунармандчилик хўжаликлари билан боғлиқ марказий ишлаб чиқариш шаҳри эканлигидан далолат беради.

Ушбу сатрлар муаллифи тамонидан Оҳангарон водийсидаги Суюрлитепа ёдгорлигида оташпарастлик ибодатхонаси ва кўҳандиз ўрганилди, топилган археологик материаллар таҳлил қилинди. Шунингдек, Оҳангарон водийсининг илк ва ўрта ва ривожланган асрлар даври сиёсий-мафкуравий пойтахти масаласида янги хулосалар илгари сурилди. Суюрлитепа ёдгорлигида шаҳарга хос барча белгиларнинг мажудлиги, тарихий топографияси асосида ушбу ёдгорлик Илокнинг пойтахти бўлган деган қарашлар илгари сурилди.

Бугунги кунда Суюрлитепа, Тункатда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар қўплаб ечимини кутаётган муназорали саволларга жавоб топади деб умид қиламиз.

1-расм. Тункат ёдгорлигининг ҳозирги кундаги кўриниши.



Иқтибослар/Сноски/References:

1. Андреев М.С. Местности в долине Ангrena, интересные в археологическом отношении // Известия общ. еств. археологии, истории и этнографии при Казанском университете. Том XI. Вып. 6. – Казан, 1993.(Andreev M.S. Areas in the Angren Valley that are archaeologically interesting // News of the Society. Yes archeology, history and ethnography at Kazan University. Volume XI. Vol. 6. – Kazan, 1993.)
2. Мошковцев С.Ф. Загадочный рудник Кухисим. Теологический вестник Т. V, Ленинград, 1926, № 1- 3. – С.67. (2. Moshkovtsev S.F. The mysterious Kuhisim mine. Theological Bulletin T. V, Leningrad, 1926, No. 1-3. – С.67.)
3. Массон М.Е. Ахангаран. Археолог-топографический очерк. – Ташкент, 1953, – С. 70-93. (3. Masson M.E. Akhangaran. Archaeologist-topographical essay. – Tashkent, 1953, – pp. 70-93.)
4. Буряков Ю.Ф. Археологические материалы по истории Тункета и Абрлига. В кн. “Материалы по истории Узбекистана” Ташкент, 1966, – С. 76-123.(4. Buryakov Yu.F. Archaeological materials on the history of Tunket and Abrlig. In the book. “Materials on the history of Uzbekistan” Tashkent, 1966, pp. 76-123.)
5. Там же.(There)
6. Там же.(There)

7. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 35.(7. Buryakov Yu.F. Genesis and stages of development of urban culture of the Tashkent oasis. – Tashkent: Fan, 1982. – P. 35.)
8. Массон М.Е. Ахангеран. – Ташкент, 1953, – С. 70-93.(8. Masson M.E. Ahangeran. – Tashkent, 1953, – pp. 70-93.)
9. Аскарлов А., Исабеков Б. К вопросу о локализации столицы средневекового владения Илак // Проблемы древней и средневековой истории Чача. Шамсиддин Камолитдин (ред.). Lambert Academic Publishing. – Saarbrücken 2013. – С. 345-355. Исабеков Б.И. Суюрлитепа ёдгорлиги тўғрисида мулоҳазалар // Ўтмишга назар. № 4. Махсус сон. – Тошкент. 2020. – Б. 108-113.(9. Askarov A., Isabekov B. On the issue of localizing the capital of the medieval possession of Ilak // Problems of ancient and medieval history of Chach. Shamsiddin Kamoliddin (ed.). Lambert Academic Publishing. – Saarbrücken 2013. – pp. 345-355. Isabekov B.I. Suurlitepa yodgorligi tugrisida mulokhazalar // Otmishga nazar. No. 4. Mahsus dream. - Tashkent. 2020. – B. 108-113.)
10. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 35.(10. Buryakov Yu.F. Genesis and stages of development of urban culture of the Tashkent oasis. – Tashkent: Fan, 1982. – P. 35.)
11. Бу ерда дехқон деганда қишлоқ ва ер майдони эгалари, хунарманд усталарнинг етакчилари назарда тутилмоқда.

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 11

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000